

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1972-ҳадис

1972/6024 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ

الرَّفَقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ».

1972.6024. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳо деди:

«Бир тўда яҳудийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб, «Ас-сааму ғалайкум», дейишди. Мен буни фаҳмлаб қолиб, «Ва ғалайкумус-сааму вал-лаънату», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳай-ҳай, Оиша! Аллоҳ барча ишда мулойимликни севади», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, уларнинг нима деганини эшитмадингиз чоғи?» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен уларга: «Сизларга ҳам», дедим-ку», дедилар».

Изоҳ: «Ас-сааму ғалайкум» - «Сенга ўлим бўлсин», дегани. «Ва ғалайкумус-сааму вал-лаънату» - «Сизларга ҳам ўлим ва лаънат бўлсин», дегани. «Ва ғалайкум» - «Сизларга ҳам», деганидир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI